ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Özbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№93 (1046)
2026 йил 30 октябрь, жума

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.



Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

Тошкент реновацияси: эски уйлар ўрнида замонавий ҳаёт



Пойтахт қиёфаси йиллар давомида ўзгариб, янги бинолар, замонавий турар жой мажмуалари ва инфратузилма объектлари билан бойиб бормоқда. Бироқ шаҳар тараққиёти фақат баланд бинолар қад ростлаши ёки янги кўчалар барпо этилиши билан белгиланмайди. Унинг ҳақиқий мазмуни, энг аввало, инсонлар учун хавфсиз, қулай ва муносиб яшаш шароитларини яратишда намоён бўлади.

Шу нуқтаи назардан, Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган реновация лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 28 февралдаги “Тошкент шаҳрида комплекс қурилиш тамойили асосида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда яшил ҳудудларни барпо этиш жараёнларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 83-сонли қарори асосида пойтахтнинг бугунги қиёфасини янгилаш билан бирга, эртанги шаҳар муҳитини шакллантиришга қаратилган муҳим жараён сифатида аҳамият касб этмоқда.

Айнан шу жараёнлар билан яқиндан танишиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун махсус пресс-тур ташкил этилди.

Унда иштирокчилар дастлаб Миробод туманидаги эски турар жойлар ва мавжуд инфратузилма ҳолатини кўздан кечириб, реновация лойиҳаси бўйича фаолият юритаётган штаб иши билан танишдилар. Шунингдек, Сергели туманидаги янги турар жойлар, замонавий инфратузилма ва янги хонадонларга кўчиб ўтган фуқаролар учун яратилган шароитлар ҳақида маълумот олдилар. Пресс-тур давомида аҳоли, қурилиш ташкилотлари ва масъуллар билан бевосита мулоқот қилиш, реновация жараёнига оид саволларга жавоб олиш имконияти ҳам яратилди.

– Президентимизнинг тегишли қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманидаги Жарқўрғон, Сергели туманидаги Хонобод ва Миробод туманидаги Фитрат номли маҳаллаларда реновация ишлари бошланди, – деди “Тошкент Инвест” компанияси вакили Нурали Маманазаров. – Айни пайтда биринчи босқич доирасида мулкдорлар билан келишувлар олиб борилмоқда. Хусусан, Фитрат маҳалласида 48 та хонадон мулкдорлари билан иш олиб борилиб, уларнинг 36 нафари янги уй-жойларни танлаб, келишувга эришди. Жараёнда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2

Бир шаҳарда мужассам улкан орзулар



Бугунги кунда кичик лойиҳанинг ўзи йўқ. Энг катта лойиҳа – Янги Тошкент лойиҳаси. Унинг ичидаги кичик лойиҳа қисми ҳам қурувчи ва меъморлар учун, ҳам халқимиз учун, ҳам тадбиркорлик учун жуда муҳим лойиҳа ҳисобланади. Бу бинолар яна 100 йил ўтиб ҳам бизни кимлигимизни гапириб туриши керак. “Янги Тошкент”даги ҳар бир лойиҳа ана шундай катта орзу, эзгу ният билан бошланяпти.

Президентимиз учун бу манзилдаги ҳар бир лойиҳа аҳамиятли, қийматли ва турган гапки, бу лойиҳалар ортида турган инсонлар тақдири ҳам. Янги Тошкент шаҳарсозликдаги янги тажриба бўлади дейилган. Қурилиш жараёнлари ташқарида давом этмоқда. Ичкарида эса ана шу жараёнга дахлдор бўлган инсонлар. Давлат раҳбари учун уларнинг ҳар бирининг ҳар бир таклифи муҳим. Ана шу таклифларнинг ҳар бири аниқ бир муайян лойиҳа ёки энг катта натижаларга етакламоқда. “Янги Тошкент” дирекцияси биносидаги бир стол атрофида бунёдкорлик мажмуасидаги лойиҳалар қурилиши барчанинг нигоҳида. Янги шаҳарда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш учун борган давлатимиз раҳбарининг қурувчи, меъморлар, тадбиркорлар ва инвесторлар билан бўлиб ўтган учрашув чоғида айтган гаплари шу ондаёқ йиғилганларга янги руҳ берганини илғаш мумкин эди. Капиталнинг, илғор ғоянинг ва ҳалол меҳнатнинг миллати йўқ. Мақсадимиз бир, демак бирмиз.

– **Кимки, “Янги Тошкент” ёки “Ширин”ни биз билан бирга қурса, демак, у тўлақонли ўзимизники, Ўзбекистонимизга бўлган эҳтиром ва ҳурматини бажо келтиради. Унинг мулки ва бизнеси қонуннинг, давлатнинг ва шахсан Президентнинг қатъий ҳимоясида бўлади. Биргина бу эмас, “Янги Тошкент” ҳеч бир ҳудуд учун бегона бўлмайди. Хоҳ самарқандлик, хоҳ бухоролик, исталган ватандошимиз бу ҳудудни ўзимизники, деб айтиши учун шаҳар ҳудудида ҳар бир вилоят учун алоҳида ер ажратилади, шароит яратилади. Шу тарзда 2 миллион ўзбекистонликка ватан бўлиши кутилаётган Янги шаҳар бутун мамлакатнинг кучи-қудрати, билими билан бунёд бўлади**, – деди Президентимиз.

Бу ниятнинг қурилишга, иш ўринларига, одамлар фойдаланадиган хизматларга айланиши учун нималар зарур? Президент билан бўлиб ўтган мулоқотда ана шу амалий савол атрофида тадбиркорларни ўзини эшитишга эътибор қаратилди. Чунки сармоя киритишга қарор қилган инсоннинг ҳисоб-китоби бўлади. Иш бошлаганнинг эса тажрибаси қаерда имкониятдан фойдаланди, қаерда вақт кетяпти, нимани ўзгартириши керак?

2



Меъморчилик қоидаларини бузган мулкдор ва қурувчиларга қатъий чора кўрилмоқда

Пойтахтимизда кўп квартирали уйларнинг техник ҳолатини ўрганиш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ҳамда шаҳарсозлик нормаларига зид бўлган қонунбузарликларнинг олдини олиш мақсадида кенг қамровли назорат тадбирлари давом этмоқда.

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,
“Özbekiston bunyodkori” мухбири.

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан оммавий ахборот воситалари иштирокида ўтказилаётган ўрганишлар давомида хавфсизлик қоидаларига эътиборсизлик билан ёндашишнинг жиддий оқибатлари аниқланмоқда.



Ярим асрлик уйлардаги хавфли “ташаббус”лар

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 4 июндаги ПФ–104-сонли фармони билан эксплуатация муддати 50 йилдан ошган уйларда қайта режалаштириш ва реконструкция ишларини амалга ошириш қатъиян тақиқланган. Бироқ инспекция томонидан ўтказилган рейдлар айрим мулкдорлар ҳамон бу талабни айланиб ўтишга уринаётганини кўрсатди.

Хусусан, Миробод тумани “Олтинкўл” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган, фойдаланишга топширилганига ярим асрдан ошган кўп квартирали уйда мулкдорлардан бири ўзбошимчалик билан реконструкция ишларини бошлаб юборган. Ўрганишлар натижасида бинонинг тўсиқ ва таянч конструкцияларига жиддий шикаст етказилгани аниқланди.

Худди шундай қонунбузилиш ҳолати Юнусобод туманидаги Қадрдон маҳалласида ҳам қайд этилди. Бу ердаги кўп квартирали уйда мулкдор лойиҳа ҳужжатларига мутлақо зид равишда бинонинг асосий таянч деворини бузиб, ўзбошимчалик билан эшик очган.

Жазо муқаррар: қонунбузарларга қандай чора кўрилди?

Ўз-ўзидан маълумки, кўп қаватли бинолларнинг пойдевори ва таянч деворларига ўзбошимчалик билан аралашиш бутун бошли иншоотнинг сейсмик барқарорлиги ва мустаҳкамлигига жиддий хавф туғдиради. Шу сабабли, қонунни бузган мулкдорларга нисбатан қатъий чоралар кўрилди.

Хусусан, Юнусободдаги ҳолат бўйича мулкдорга Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 159-моддаси 3-қисмига асосан, базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида жарима расмийлаштирилди. Энг муҳими, фақатгина жарима билан чекланиб қолинмасдан, қонунбузарликни белгиланган муддатда бартараф этиш ва бинони аввалги ҳолатига қайтариш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатма берилди. Агар мулкдор ушбу талабни бажармаса, унга нисбатан туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси киритилиши огоҳлантирилди.

2

uzbunyodkor.uz
info@uzbunyodkor.uz
uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkor
qurilish.today

Тошкент реновацияси: эски уйлар ўрнида замонавий ҳаёт

1 Мулкдорлар янги хонадонга нисбатан мулк ҳуқуқини қўлга киритганидан кейингина аввалги уйларини “Тошкент Инвест” компаниясига белгиланган тартибда топширадилар. Барча аҳоли тўлиқ кўчирилгандан сўнг эса эски биноларни бузиш ишлари бошланади. Шу билан бирга, ҳудудларнинг келгуси қиёфасини белгилайдиган мастер-режалар ишлаб чиқилмоқда. Уларда замонавий турар жойлар ва ижтимоий объектлар барпо этиш, инфратузилмани ривожлантириш, дам олиш масканларини ташкил қилиш ҳамда яшил ҳудудларни кенгайтириш орқали аҳоли учун қулай ва экологик жиҳатдан соғлом муҳит яратиш кўзда тутилган.

Реновация миқёси – уч ҳудуд, ягона мақсад

Тошкент шаҳрининг Миробод, Яшнобод ва Сергели туманларида реновация лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу ҳудудларнинг белгиланган реновация майдонлари жами 67,3 гектарни ташкил этади. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари ва мавжуд муаммоларини инобатга олган ҳолда, уларни комплекс янгилаш режалаштирилган.



Шу ўринда айтиш керакки, Миробод туманидаги А. Фитрат номли маҳалла реновация лойиҳасининг муҳим йўналишларидан биридир. Бу ерда 14 гектар майдонда жойлашган 57 та кўп квартирали уй ва 530 та хонадон реновация ҳудудига киритилган. Шунингдек, Яшнобод туманидаги Жарқўрғон маҳалласида 22 гектар майдонда 57 та кўп квартирали уй ҳамда 774 та хонадон мавжуд. Демак, ушбу икки ҳудуднинг ўзида жами 114 та кўп квартирали уй ва 1304 та хонадон реновация жараёни билан қамраб олинмоқда.

Сергели туманидаги “Ёшлар боғи” лойиҳаси ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Умумий майдони 150 гектар бўлган ушбу лойиҳада 31,3 гектар ҳудуд реновация учун белгиланган. Мазкур ҳудудда 542 та якка тартибдаги уй ва бошқа объектлар мавжудлиги қайд этилган. Бу эса реновация фақат кўп квартирали уйлар билан чекланмасдан, турли кўринишдаги турар жойлар ва объектларни ҳам қамраб олишини кўрсатади.

Албатта, шаҳар ҳудудини янгилашда рақамлар муҳим, аммо уларнинг ортида инсонлар тақдири, оилаларнинг кундалик турмуши ва йиллар давомида шаклланган ҳаёт тарзи турганини унутмаслик лозим. Ҳар бир хонадон – бу шунчаки кўчмас мулк эмас, балки оила хотиралари, қўшничилик муносабатлари ва инсон ўзини хотиржам ҳис қиладиган шахсий макондир. Шунинг учун реновация жараёнида қурилиш ва ободонлаштириш вазифалари билан бир қаторда, аҳолининг манфаатларини ҳисобга олиш ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ҳудудларни реновацияга киритишда уй-жойларнинг эскирганлик даражаси, яшаш хавфсизлиги, муҳандислик тармоқларининг ҳолати, кўчаларнинг ёритилиши ва ободонлаштирилиши, автотураргоҳлар, болалар ҳамда спорт майдончаларининг мавжудлиги, экологик муаммолар ва аҳоли мурожаатлари инобатга олинади. Бундай мезонларнинг қўлланилиши ҳудудларни янгилашда фақат ташқи кўринишга эмас, балки инсон ҳаётига бевосита таъсир қилувчи омилларга ҳам эътибор қаратилаётганини англатади.

Реновациянинг дастлабки босқичлари ҳам бу жараённинг аниқ ҳудудлардан бошланаётганини кўрсатади. А. Фитрат маҳалласида биринчи босқич 0,71 гектар майдонни қамраб олиб, 48 та объектни, жумладан, тўртта кўп квартирали уйдаги 47 та хонадонни ўз ичига олади. “Жарқўрғон” маҳалласида эса биринчи босқич учун 3,1 гектар майдон белгиланган бўлиб, 216 та объект, жумладан, 14 та уйдаги 211 та хонадон ҳисобга олинган. Ҳар икки ҳудуднинг биринчи босқичида жами 258 та мавжуд хонадон қайд этилган.

Бу рақамлар реновация жараёнининг босқичма-босқич амалга оширилишини англатади. Бундай ёндашувда ҳар бир босқичнинг натижаларини баҳолаш, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни аниқлаш ва кейинги ишларга зарур тузатишлар киритиш имконияти муҳимдир. Айниқса, аҳоли билан мулоқотнинг узлуксизлиги, қарорларни тушунтириш ва келишувларни ўз вақтида расмийлаштириш жараённинг ижтимоий жиҳатдан ҳам самарали кечишига хизмат қилади.

– Уйимиз реновация дастурига тушди, – деди шу уйларда яшовчи фуқаро Хайринисо Ишматова. – Шу сабабли бизга Сергели туманидан янги квартира берилди. Таклиф қилинган уйларнинг шароити жуда маъқул келди. Шунинг учун қўшимча тўлов қилиб, икки хонали квартирамизни уч хоналига алмаштирдик. Қўшниларимизга ҳам янги уйлар маъқул келиб, ҳозиргача 42 та хонадондан 35 таси янги уй олиб бўлди. Ҳали кўчиб ўтганимиз йўқ. Сабаби янги уйни бироз жиҳозлаш ва айрим ишларини тугаллашимиз керак. Худо хоҳласа, ноябрь ойида кўчиб ўтишни режалаштиряпмиз. Эски уйимиз анча йиллик бўлса-да, унинг ички қисмини ўзимиз таъмирлаб, яшаш учун мослаштирган эдик. Аммо канализация ва электр тармоқлари эскирганди. Янги квартира эса замонавий, шинам ва яшаш учун қулай. Энг муҳими, икки хонали уй ўрнига яна икки хонали квартира олганлардан қўшимча тўлов талаб қилинмади. Мен уч хонали уй олиш учунгина қўшимча ҳақ тўладим. Уйлар таъмирланган ҳолда, кўчиб кириб яшашга тайёр қилиб топшириляпти.

Мулкдорлар манфаати, шаффофлик ва янги имкониятлар

Реновациянинг энг нозик жиҳатларидан бири – мулкдорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдир. Чунки уй-жойни янгилаш билан боғлиқ ҳар қандай қарор инсоннинг мулкий ҳуқуқлари, оилавий режалари ва келажакка бўлган ишончини бевосита қамраб олади. Шу сабабли жараёнда қонунийлик, шаффофлик, мустақил баҳолаш ва мулкдор билан ёзма келишув тамойилларига амал қилиш назарда тутилган.

Белгиланган тартибга кўра, ҳар бир кўчмас мулк индивидуал равишда кўриб чиқилади. Компенсация масалалари кадастр ҳужжатлари, мустақил баҳолаш натижалари ва қонунчилик талаблари асосида муҳокама қилинади. Якуний шартлар мулкдор билан келишилиб, ёзма равишда расмийлаштирилади. Бу эса реновация жараёнида умумий ёндашув билан бирга, ҳар бир мулкнинг алоҳида хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатади.

Жараённи мувофиқлаштириш мақсадида туман ҳокимликлари, маҳалла, нотариус, банк, Мажбурий ижро бюроси, экология, коммунал ва муҳандислик хизматлари ҳамда бошқа масъул ташкилотлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар фаолият юритмоқда. Турли идоралар вакилларининг жалб этилиши ташкилий масалаларни мувофиқлаштиришга қаратилган. Бироқ бундай ҳамкорликнинг ҳақиқий самараси, энг аввало, мулкдорлар саволларига аниқ жавоб берилиши, мурожаатлар ўз вақтида кўриб чиқилиши ва қабул қилинган қарорларнинг тушунарли тарзда етказилишида намоён бўлади.

Реновация доирасида мулкдорларга янги турар жой мажмуаларидан хонадонлар таклиф этилмоқда. “Жарқўрғон” маҳалласидаги мулкдорлар учун “Tower Up”, “Olmos Residence”, “Yangiobod Residence” ва “Ofiyat” турар жой мажмуалари назарда тутилган. А. Фитрат номли маҳаллада эса “Tower Up”, “Savr Avenue”, “Avia Palace” ва “Furqat Residence” мажмуаларидан хонадонлар таклиф этилмоқда. Шунингдек, янги хонадон тақдим этишда мулкдорнинг мавжуд хонадон майдонига нисбатан 20 фоизгача қўшимча майдон бериш кўзда тутилган.

– Мен реновация дастурига киритилган уйлардан бирида икки ўғлим, бир қизим билан яшардим, – деди фуқаро Зуҳра Ғаффорова. – Эски уйимизнинг умумий майдони 200 квадрат метр эди. Шу майдон ҳисобидан менга ва фарзандларимга алоҳида-алоҳида жами тўртта квартира ажратиб берилди. Миробод туманидан иккита, Сергелидаги “Tower up” уйларидан эса яна иккита квартира таклиф қилинди. Қувонарлиси, ҳеч қандай қўшимча тўлов қилмадик. Аксинча, ажратилган уйларнинг умумий майдони аввалги уйимизникидан бироз каттароқ бўлди. Қизимга 31 квадрат метрли, менга 67 квадрат метрли уч хонали квартира, икки ўғлимнинг ҳар бирига эса 60 квадрат метрдан уй берилди. Реновация штаби ходимлари ва маҳалла қўмитаси вакиллари бизга ҳар томонлама ёрдам беришди. Ҳозир иккита квартирамизнинг калитини олдик. Худо хоҳласа, шу ҳафта “Tower up”даги уйга кўчиб ўтишни режалаштиряпмиз. Илгари бир уйда биргаликда яшардик. Энди эса ҳар биримиз алоҳида уйга эга бўлдик. Эски уйимизни сотганимизда ҳам бунчалик кўп хонадон сотиб олиш имконимиз бўлмасди. Бугун фарзандларим билан тўртта янги квартирага эга бўлганимиздан жуда хурсандмиз. Барча шароитлар учун Президентимиздан миннатдормиз. Энди янги уйларимизда фарзандларимиз билан бахтли ҳаёт кечиришни ният қилганмиз.

Қўшимча майдон имконияти аҳоли учун муҳим афзаллик бўлиши мумкин. Аммо янги уйнинг қулайлиги фақат квадрат метрлар билан белгиланмайди. Хонадоннинг жойлашуви, оила аъзоларининг кундалик эҳтиёжлари, транспортдан фойдаланиш имконияти, ижтимоий объектларга яқинлик ва янги муҳитга мослашиш каби омиллар ҳам муҳимдир. Шу боис таклиф этилаётган хонадонлар ва компенсация шартларини баҳолашда ҳар бир мулкдорнинг индивидуал эҳтиёжлари ҳамда қонуний ҳуқуқларини ҳисобга олиш алоҳида аҳамият касб этади.

Шаҳар ривожланишининг замонавий босқичида реновацияни фақат эски биноларни бузиб, улар ўрнига янги уйлар қуриш жараёни сифатида талқин қилиш тўғри эмас. Унинг мазмуни ҳудудни яхлит ҳолда қайта ташкил этиш, инфратузилмани такомиллаштириш ва инсон учун муносиб яшаш муҳитини яратиш билан белгиланади. Шу маънода, Тошкентдаги реновация лойиҳаларининг муваффақияти қурилиш ишларининг кўлами билангина эмас, балки аҳолининг ҳуқуқлари қанчалик ҳимоя қилингани, янги шароитлар қанчалик қулай экани ва ўзгаришлар одамлар ҳаётида қандай натижа бергани билан ўлчанади.

Пойтахтни янгилаш – бу келажакка қаратилган масъулиятли вазифа. Унда шаҳарсозлик ечимлари, экологик ёндашув, замонавий инфратузилма ва ижтимоий манфаатлар бир-бирини тўлдириши керак. Энг муҳими, реновация жараёнида инсон манфаати марказда турса, янги бинолар нафақат шаҳар қиёфасини ўзгартиради, балки аҳолининг ҳаёт сифатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Зеро, ҳақиқий тараққиётнинг мезони – шаҳарнинг баланд бинолари эмас, балки унда яшаётган инсонларнинг хотиржамлиги, хавфсизлиги ва эртанги кунга бўлган ишончидир.

Ўз мухбиримиз.



Бир шаҳарда мужассам улкан орзулар

1 – Давлат раҳбари билан бўлиб ўтган мулоқотда тадбиркорларнинг кайфияти жуда ҳам юқори бўлди, – деди Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Давронжон Адилов. – Улар яна бир бора давлат раҳбарининг узоқ келажакни кўра биладиган раҳбар эканига ишонч билдиришди. Ҳақиқатан ҳам, 2024 йил лойиҳа янги бошланган пайтда, иккиланиб юрган тадбиркорлар бугун жуда катта лойиҳаларга имзо чекиб, шу мега лойиҳада ўзининг лойиҳаларини амалга оширишга хайрихоҳ бўлиб, ўзи келиб, ишлаб, нафақат мамлакат равнақи учун, балки, ўзининг бизнес ғоялари, бизнес карьераси учун ҳам жуда катта имтиёзларни ишлаб олди. Қарор беришни осонлаштирувчи ҳамма механизмларни қилиб бергани учун Президентимизга минг раҳмат. Бўлиб ўтган учрашув давомида ҳам тадбиркорлар ва бизнес учун жуда катта енгилликлар берилди. Шу жумладан, “Янги Тошкент” дирекциясида хизмат қилаётган ходимларга ҳам жуда катта енгилликлар, янги имкониятлар берилди. Шунча имкониятлар, имтиёзлардан кейин албатта, лойиҳалар асосида барпо этилиши режалаштирилган бино ва иншоотларни фойдаланишга топширишни тезлаштирамиз.

Ҳар бир лойиҳа аниқ қарорлар, ўйланган хулосалар устида бўлиши керак. Шунда лойиҳаларда боғлиқлик ҳам бўлади ва ижтимоий объектлар қаторида иқтисодий фаоллик ҳам параллел ривожланади. Бунинг учун ўзаро ишонч муҳим. Меҳмонхона бизнесини юритадиган компания вакили мамлакатга келиш тарихини таъкидлаб, Президентимизга айнан ана шу ўзаро шаклланган ишонч, компаниянинг тўртинчи лойиҳасини амалга оширишга ундаётганини айтди.

– Ростини айтсам, дастлаб, ўзим ҳам ишонмагандим. 2019 йилда бу ерга келганимда айтилган имкониятлар мен учун мисли кўрилмаган янгиликдек туюлган, – деди россиялик инвестор Александр Баканов. – Россияда ҳам ишлаш тажрибам бор. Аммо у ерда бу каби шароитларни кўрмаганман. Биринчи лойиҳамизни амалга ошириб, яратилган имкониятлардан амалда фойдалана бошлагач, бунга ишонч ҳосил қилдик. Энг асосийси, белгиланган шартларни бажариш экан. Биз уларни бажардик ва ҳеч қандай қийинчиликсиз бу имкониятлардан фойдаландик. Бу биз учун жуда муҳим эди.

– Биз Ўзбекистонга 2024 йилда келганмиз, – деди хитойлик инвестор Чжоу Течен. – 2025 йилда “Янги Тошкент” қурилишида иштирок эта бошладик. Иккита жаҳон рекордини қайд этган фаввора лойиҳасини, шунингдек, энергетика лойиҳаси бўлган тўлиқ ёпиқ турдаги замонавий электр подстанциясини барпо этдик. Фаввора аҳоли фаровонлигига хизмат қиладиган иншоот бўлиб, келгусида Ўзбекистонда маданият ва туризм ривожига катта ҳисса қўшади. Ўзбекистон Президенти билан иккинчи марта учрашдим. Давлатингиз раҳбари 2025 йил 30 декабрда биз қурган подстанцияга ташриф буюрган эди. Ўшанда иншоотни замонавий қилиб қуриш, Хитойнинг илғор технологияларини Ўзбекистонга олиб келиш ва маҳаллий мутахассислар ўзини мустақил бошқара олишини таъминлаш бўйича талабларни билдирган эди. Биз бу талабни бажардик. Ҳозир тўртта лойиҳамиз бор. Барчаси “Янги Тошкент”да жойлашган ва тўлиқ ишга туширилган.

Ишончга эришилди. Энди уни ушлаб қолиш керак. Аниқ таклиф ва ечимлар ҳам айтилди. Қурилиш арзонлашади, инфратузилма тўловлари савдо ва бизнес марказлари учун 3 баробар, меҳмонхоналар учун 5, маданият ва кўнгилочар масканлар учун 10 баробар камаяди. 50 млн долларлардан ошган ҳар бир лойиҳага ходим бириктирилади ва у объект ишга тушгунича инвестор билан бирга бўлади.

– Ҳозир 2,5 минг гектар ер майдонида фаол қурилиш ишлари давом этмоқда, – деди Давронжон Адилов. – 6 минг гектарда инфратузилма ишлари олиб борилмоқда. Қийматга келадиган бўлсак, албатта, 3 млрд долларгача бўлган лойиҳалар ҳақида тақдимот бўлиб ўтди. Бу лойиҳалар ҳам давлатимиз раҳбари бошчилигида ниҳоясига етказишга ҳаракат қилинади. Ушбу лойиҳаларнинг бошида мастер режаларини ишлаб чиқишда буюк британиялик архитекторлар, муҳандисларнинг маслаҳати олинади. Давлатимиз раҳбари айтганидек, 100 йилдан кейин ҳам ҳамюртларимиз биз ҳақимизда яхши гапиришлари керак.

Хўш, янги шаҳарда нима қуриш фойдалироқ бўлади? Янги енгилликлар тадбиркорларнинг ҳисоб-китобларини ҳам ўзгартиради. Шаҳарда давлат берган имтиёзлардан фойдаланиб мактаб, шифохона, меҳмонхоналар қурилади ва хизматлар ташкил этилади.

– Биз аслида ишлаб чиқариш билан шуғулланамиз, – деди тадбиркор Раҳматжон Абдуллаев. – “Янги Тошкент” лойиҳаси бошланганидан кейин бу ерни жуда кўп бора ўргандик. Бугунги кундаги ишларга жуда ҳавасимиз келди. Президентимиз олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлаш ниятида биз ҳам ёнма-ён туриб, бу ерда Италия тажрибаси асосида меҳмонхона қурилиши бўйича лойиҳамиз билан иштирок этмоқчимиз. Уни кўп тармоқли қилишни режа қиляпмиз. Лойиҳа фойдаланишга топширилгач 400 та янги иш ўрнини яратишни мақсад қилганмиз.

Меъморнинг ғояси, қурувчининг ҳалол меҳнати, инвесторнинг масъулияти йиллар ўтиб халқимизга хизмат қилса, бу ниятнинг умри узоқ бўлади. Бу йўлни бошлаганлар ҳикояси эса янги шаҳар кўчаларида кўп бора янграйди.

Нигора НОЗИМЖОНОВА тайёрлади.

Меъморчилик қоидаларини бузган мулкдор ва қурувчиларга қатъий чора кўрилмоқда

1 Ушбу жараёнлар фақатгина хонадонлар ичида эмас, балки кўп қаватли уйлар атрофидаги ҳудудларда ҳам олиб борилмоқда. Инспекторлар ҳудудларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ва ноқонуний қурилмалар барпо этиш ҳолатларига чек қўймоқда.

Янги қурилишлардаги назорат: сифатсиз деворлар жойида буздирилди

Назорат тадбирлари фақатгина эски уй-жой фонди билан чекланиб қолгани йўқ. Пойтахт бўйлаб олиб борилаётган янги қурилиш объектлари ҳам инспекция ходимларининг қатъий назорати остида.

Объектларда чанг-тўзон кўтарилишининг олдини олиш, экологик меъёрларга риоя қилиш, энг асосийси – қурилиш-монтаж ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ равишда ва сифатли олиб борилиши текширилмоқда.

Яшнобод туманида жойлашган қурилиш объектларидан бирида ўтказилган рейд айнан сифат масаласидаги оқсоқликларни юзага чиқарди. Аниқланишича, бинонинг тўлдирувчи деворларига газоблок териш ишлари лойиҳада белгиланган қоидаларга умуман мос келмайди. Бундан ташқари, объектда қурилиш чиқиндилари ўз вақтида бартараф этилмаган ва ишчиларнинг техника хавфсизлиги талаблари етарли даражада таъминланмаган. Мазкур қоидабузарликлар бўйича масъулларга зудлик билан ёзма кўрсатма берилди. Қурилиш сифатига қилинган эътиборсизликнинг натижаси ўлароқ, сифатсиз терилган тўлдирувчи газоблок деворлари инспекторлар назорати остида жойнинг ўзида бузиб ташланди.

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси аҳолини ва қурилиш ташкилотларини яна бир бор огоҳликка чақиради. Кўп квартирали уйларда ўзбошимчалик билан қайта режалаштириш ишларини олиб бориш, таянч конструкцияларига шикаст етказиш нафақат қонунбузарлик, балки инсонлар ҳаёти учун тўғридан-тўғри таҳдиддир. Шаҳарсозлик талабларига риоя этилишини таъминлаш ва аҳоли хавфсизлигини асраш мақсадида бу каби рейд ва назорат тадбирлари пойтахт бўйлаб изчил давом эттирилади.



ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ

Марказий Осиёда ҳаво сифати ёмонлашишига таъсир қиладими?

Австралиянинг Жеймс Кук университети профессори, доктор Бен Жариҳани Марказий Осиёда ҳаво сифатининг турли фаслларда ўзгариши ва бунга таъсир этувчи асосий омиллар ҳақида фикрларини билдирди.

Олимнинг таъкидлашича, ҳаво сифати нафақат атмосферага чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар миқдорига, балки бевосита метеорологик шароитларга ҳам узвий боғлиқдир.

Марказий Осиёда куз ва қиш фаслларида ҳаво инверсияси ҳодисаси кузатилиши мумкин. Бунда илиқ ҳаво совуқ ер юзасига яқин ҳаво қатлами устида жойлашади ва ҳавонинг вертикал йўналишда аралашишини чеклайди. Шамол кучсиз, атмосфера эса барқарор бўлганида, ифлослантирувчи моддалар ҳавода камроқ тарқалади ва ер юзасига яқин жойларда тўпланиб қолиши мумкин. Натижада ҳатто ифлослантирувчи моддалар чиқарилиши миқдори ошмаган тақдирда ҳам, PM2.5 заррачалари концентрацияси сезиларли даражада ортади.

Шу ўринда “Иқлим ўзгариши Марказий Осиёда ҳаво сифати ёмонлашишига таъсир қиладими?”, деган савол туғилади. Иқлим ўзгариши ҳаво сифатига кучли таъсир кўрсатиши мумкин, бироқ бу таъсирлар ҳудуд, фасл ва ифлослантирувчи модданинг турига қараб фарқланади. Масалан, ҳароратнинг кўтарилиши, ёғингарчилик тартибининг ўзгариши, узоқ давом этадиган қурғоқчилик ва атмосфера циркуляциясидаги ўзгаришлар чанг кўтарилишига, ифлослантирувчи моддалар ҳосил бўлишига ҳамда уларнинг тарқалишига тўсқинлик қиладиган шароитларнинг қанчалик тез-тез юз беришига таъсир қилиши мумкин. Айниқса, Марказий Осиёда чанг бўронлари алоҳида аҳамиятга эга, чунки чанг узоқ масофаларга, ҳатто давлатлар чегараларидан ҳам ошиб ўтиб тарқалиши мумкин. Шу сабабли бу муаммога қарши курашишда минтақавий ҳамкорлик жуда муҳим ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ҳаво сифатини мониторинг қилиш тармоғи сезиларли даражада кенгайтирилди. Ҳозирда миллий платформаларга уланган қанчадан-қанча замонавий ва автоматлаштирилган 28 та мониторинг станцияси мавжуд. Ушбу мониторинг маълумотлари тегишли махсус веб-сайт орқали олимлар ва кенг жамоатчилик учун очиқ тарзда тақдим этиб борилади.

Узоқ муддатли истиқболда ҳаво сифатини яхшилаш учун транспорт, иситиш тизимлари ва саноат корхоналаридан чиқадиган ифлослантирувчи моддаларни камайтириш устувор вазифалардан ҳисобланади. Бундан ташқари, иқтисодиёт ва жамият ҳаётида энергия самарадорлигини ошириш ҳам бунга катта ёрдам бериши мумкин. Шунингдек, қурилиш чангини қатъий назорат қилиш ва очиқ, ўсимлик қопламлари билан ҳимояланмаган ер юзаларидан кўтариладиган чангни бошқариш ҳам муҳимдир. Шаҳарларни тўғри режалаштириш ва яшил инфратузилмани ривожлантириш ҳам экологик барқарорликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, метеорологик шароитлар ҳаво ифлосланишини кучайтириши мумкин. Ҳаво сифатини узоқ муддат давомида яхшилаш учун нафақат ифлослантирувчи моддалар чиқарилишини камайтириш, балки уларнинг тўпланиб қолишига сабаб бўладиган об-ҳаво шароитларини тушуниш ва олдиндан прогноз қилиш ҳам зарур. Шу боис ифлосланиш манбаларини ҳам, ифлослантирувчи моддаларнинг муайян ҳудудда сақланиб қолишига сабаб бўладиган метеорологик шароитларни ҳам чуқур ўрганишга жиддий эътибор қаратиш лозим.

Ўз мухбиримиз.

“Ўзбекнефтгаз”: янги уйғониш даври бошланди

Сўнгги йилларда мамлакатимизда шахсан давлат раҳбарининг назорати остида нефть ва газ соҳасини замон талаблари асосида тубдан ислоҳ қилиш, эскирган усуллардан воз кечиб, энг илғор инновациялар ва рақамли технологияларга таяниш борасида қатъий қадамлар ташланмоқда. Йил бошидан “Ўзбекнефтгаз” АЖ тизимида кечаётган кенг кўламли янгиланишлар ҳамда 9 ойлик рекорд молиявий-иқтисодий натижалар юртимизда углеводород қазиб чиқариш ҳамда қайта ишлаш соҳасида янги бир уйғониш даври бошланганидан далолат беради.

Райҳона ХЎЖАЕВА,
“Ozbekiston bunyodkori” мухбири.



8 000 метр чуқурлик, модернизация ва АҚШ технологиялари

Тадқиқот чуқурлиги 4 500 метрдан 8 000 метргача кенгаймоқда. Бу илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмаган янги геологик қатламларни кашф этиш демакдир. Сўнгги 9 ойда геологияқидирув ишлари натижасида 5 та янги углеводород кони очилди. Бу мамлакатнинг нефть ва газ хомашё базасини кенгайтиришга хизмат қилади. 42 та инвестиция блокида янги конларни аниқлаш ва чуқур қатламларни ўрганиш ишлари олиб борилмоқда.

Хитойнинг “BGP” компанияси иштирокида “Тагман”, “Когон” ва “Шахпахти” лойиҳаларида 3D сейсмик қидирув ишлари давом этмоқда. Устюртдаги “Мўйноқ”, “Қизилжар”, “Ғарбий Қуйи Сургил” ва “Шағирлиқ-қуйи юра” майдонларида саноат аҳамиятига эга газ ва конденсат оқимлари олинди. Захиралар “Дегольер Макнаутон” компанияси томонидан жаҳон стандартлари асосида баҳоланмоқда. Сейсмик тадқиқотлар ҳажми 2025 йилга нисбатан беш баравар оширилди: 7 430 км² майдонда 3D қидирув ўтказилди. 17 та янги майдонда чуқур излов бурғилаш бошланиб, 25 та қудуқ қурилиши якунланди. Йил охиригача 3D тадқиқотлар қамровини 11 900 км² га етказиш режалаштирилган. Бунинг учун геологик тадқиқотлар ва бурғилаш ишларни ўзаро мувофиқлаштириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳамда техник имкониятларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“Ўзбекгеофизика” АЖнинг “Ўзбекнефтгаз” АЖ таркибига бирлаштирилиши соҳада мутлақо янги, яхлит бошқарув занжирини вужудга келтирди. Бу тарихий қарор геология ва қазиб чиқариш ўртасидаги узлуксиз боғлиқликни таъминлаб, тадқиқотлардан тортиб то қудуқларни қазишгача бўлган вақт ва молиявий ресурсларни бир неча баробар тежаш имконини бермоқда. Бугун жамият фаолиятини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш доирасида АҚШнинг нуфузли INOVA компанияси томонидан жами 38 миллион долларлик иккита 20 минг каналли 3D сейсмик комплекс, юқори ҳарорат ва босимга бардошли 216 комплект қудуқ ускунаси, олтита каротаж ҳамда ўнта геологик-технологик тадқиқот станциясини харид қилиш режалаштирилган.

Миллий бурғилаш салоҳиятида тарихий юксалиш ва 9 минг метрлик уфқ

9 000 метргача чуқурликда ишлай оладиган 15 та замонавий бурғилаш дастгоҳлари саноатимиз салоҳиятини жаҳон даражасига кўтаради. Бурғилаш хизматларида ташқи пудратчиларга қарамликни камайтириш ҳамда таннархни тушириш мақсадида Жамият таркибида ихтисослаштирилган “UNG Burg‘ilash” МЧЖ ташкил этилди.

Мазкур миллий корхона моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун Хитойнинг “CNLC”, “Honghua”, “CNTIC” ва “RG Petro” компанияларидан энг сўнгги авлоддаги ZJ-90, ZJ-70 ва ZJ-40 русумли 15 та замонавий бурғилаш дастгоҳи харид қилинмоқда. Бунинг ёрдамида режалаштирилаётган энг чуқур қудуқларни сифатли, арзон ва технологик жиҳатдан хавфсиз бурғилаш мақсад қилинган. Лойиҳа доирасида малакали муҳандис, бурғиловчи ва техник мутахассислар учун 1 000 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

5 та янги кон, 80 та қудуқ ва горизонтал бурғилаш

Янги конлар – эртанги захира, тикланган қудуқлар – бугунги натижа: тўққиз ойда 5 та газ кони очилди, 114 та қудуқни таъмирлаш ҳисобига кунлик газ қазиб чиқариш қўшимча 4 миллион куб метрга оширилди. 2026 йилнинг январь–сентябрь ойларида 80 та қудуқ бурғиланиб, “Қизилжар”, “Шағирлиқ” (қуйи юра), “Телегри”, “Гулшанбоғ” ва “Каприн” газ конлари очилди. Янги конлар келгуси қазиб чиқариш учун хомашё базасини кенгайтирса, мавжуд қудуқларни тиклаш, уларни таъмирлаш, конлардаги табиий пасайишни қоплашга хизмат қилмоқда. Энг салмоқли натижалардан бири – 35 та қудуқдаги мукаммал таъмирлаш ишлари. Илгари тўхтаб қолган қудуқларни қайта ишга тушириш, чуқурлаштириш ва бошқа истиқболли қатламларга ўтиш орқали кунлик қўшимча газ қазиб олишга эришилди. Бу – таъмирлаш ҳисобидан олинган жами 4 миллион куб метрлик ўсишнинг бир қисмидир. Қазиб чиқариш барқарорлигини сақлаш учун 78,5 миллион долларлик 35 та кичик компрессорлар харид қилинмоқда. Уларнинг 7 таси етказиб келиниб, монтаж ишлари бошланган.

Навбатдаги қадам – конларда газ мавжуд қатлам бўйлаб қудуқларни қия ва горизонтал йўналтириб бурғилаш. АҚШ ва Хитойнинг нуфузли “Schlumberger” ва “CNPC” компаниялари билан ҳамкорликда жорий этилиши кўзда тутилган ушбу технологиялар янги қудуқлардан кўпроқ газ олиш имконини беради. Тармоқда илк бор кенг кўламда қия йўналтирилган ва горизонтал бурғилаш технологиялари жорий этилмоқда. Дастлабки илмий ҳисоб-китобларга кўра, бундай қудуқларда суткалик қазиб чиқариш оддий вертикал қудуқларга нисбатан 50–60 фоизгача юқори бўлиши кутилмоқда. Кўрилган чоралар натижасида октябрь бошидан жамият бўйича кунлик газ қазиб чиқариш 1,6 млн куб метрга ошди.

Яна 3 та янги маҳсулот ишлаб чиқариш бошланади

Бугун – транспорт ва аҳоли учун ёқилғи, келгусида – маиший кимё учун маҳаллий хомашё: уни чуқур қайта ишлаш маҳсулот турларини кенгайтирмоқда. 9 ойда 41,8 триллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Режа 105,7 фоизга ортиғи билан бажарилди, ўсиш суръати 105,9 фоизни ташкил этди. Бу – қазиб олинган хомашёни ёқилғи ва саноат учун тайёр маҳсулотга айлантириш натижасидир.

Транспорт ва аҳоли эҳтиёжлари учун 773,5 минг тонна автобензин, 759,7 минг тонна дизель, 210,6 минг тонна авиакеросин ва 452,7 минг тонна суюлтирилган газ ҳамда саноат учун 135,1 минг тонна олтингугурт ва 101,3 минг тонна полиэтилен гранулалари ишлаб чиқарилди. Келажакда республикада илк бор синтетик мой, тозаланган парафин ва чизиқли алкилбензол (LAB) ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилган.

LAB – маиший кимё ва синтетик ювиш воситаларининг асосий хомашёси. Янги маҳсулотлар импорт ўрнини босиш, валюта тежаш, маҳаллий саноатни арзон хомашё билан таъминлаш ва экспорт географиясини кенгайтиришга хизмат қилиши кутилмоқда.

Қишга тайёргарлик: бензин захираси 2,5 баробар кўп

Нефть базаларда бензин захираси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,5 баробар кўп шакллантирилди. Бу мавсумий эҳтиёжни қоплаш учун қўшимча ёқилғи захираси яратилганини англатади.

Нефть базаларда маҳсулот реализацияси кўламини кенгайтириш, рақамлаштириш, ҳисоб-китобларни автоматлаштириш ҳамда бошқарувни такомиллаштириш натижасида тизим 9 ойни 25 миллиард сўм соф фойда билан якунлади. Шунингдек, тизим тарихида илк бор тегишли ташкилотлардан нефть маҳсулотларини сақлаш ҳаражатларини ундириш ҳисобига қўшимча 270 миллиард сўм даромад олинди.

Экспорт 736,7 миллион долларга етди

Камроқ харажат – кўпроқ имконият: тўққиз ойда 1,9 триллион сўм тежалди, 2,6 триллион сўм дивиденд ҳисобланди, бюджетга 6,9 триллион сўм тўланди. Жамиятда олиб борилган иқтисодий ислоҳотлар натижасида улуши мавжуд корхоналардан илк бор 2,6 триллион сўм дивиденд ҳисобланди. Харажатларни мақбуллаштириш орқали 1,9 триллион сўм тежалиб, режа 111,5 фоизга бажарилди. Бу маблағлар геология-қидирув, ишлаб чиқариш, тизимнинг моддий-техника таъминотини янгилаш, ходимлар маошини ошириш ва ижтимоий кўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда.

Ҳисобот даврида экспорт 736,7 миллион долларга етди – режа 151 фоизга бажарилди. 790 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилди. Маҳаллийлаштириш доирасида 17,3 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 69 та кредит шартномасининг 41 таси бўйича қайта молиялаштириш ва муддатидан олдин сўндириш ҳисобига 18 миллион доллар фоиз харажати тежалди. Маҳаллий кредит ставкалари 9,5–12 фоиздан 7,4–7,5 фоизга, кредит елкаси 3,1х дан 2,2х гача пасайди. Навбатдаги қадам – давлат кафолатидаги 1,1 миллиард долларлик кредитларни қайта молиялаштиришдир. 260 миллион долларлик кредит ставкасини сузувчи 5 фоиздан қатъий 3,75 фоизга, “Uzbekistan GTL”нинг 840 миллион долларлик қарзи ставкасини ўртача 7,7 фоиздан 3,8 фоизга тушириш кутилмоқда.

Янги ётоқхоналар, қўшимча рағбат ва бепул овқат

Эришилган ушбу натижалар замирида кончилар, муҳандислар ва ишчиларнинг машаққатли меҳнати мужассам. Шу боис қаҳратон қиш ва саҳро жазирамасида меҳнат қилаётган ходимларни муносиб рағбатлантириш, улар учун қулай меҳнат ва маиший шароит яратиш “Ўзбекнефтгаз”да амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишидир. Шу мақсадда 9 ойда ишчи-ходимларнинг ойлик маошлари 21 фоизга оширилди. Яшаш шароитларини яхшилаш учун Устюртда 160 ўринли, Шўртанда 130 ўринли ётоқхоналар фойдаланишга топширилди.

Ушбу ишларнинг давоми сифатида йил якунига қадар барча нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармаларидаги ётоқхоналар ва вагон-уйларни капитал таъмирлаш, иситиш-совитиш тизимларини янгилаш ҳамда санитария талабларига мослаштириш режалаштирилган. Ходимларнинг кундалик эҳтиёжларини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, ишчиларни кунига бир маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминлаш йўлга қўйилди.

Меҳнат шароитларини яхшилаш чоралари транспорт таъминотини янгилаш билан ҳам уйғунлаштирилди. Конлар учун 52 та махсус йўлтанламас автомобили, ишчиларни иш жойларига ташиш учун эса 58 та замонавий, янги автобус сотиб олинди.

Энергия таъминотини яхшилашга хизмат қилувчи истиқболли лойиҳа

Бугун юртимизнинг барча ҳудудларида янги корхоналар ишга туширилиб, тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш имкониятлари кенгаймоқда. Бу жараёнлар иқтисодий ўсиш билан бирга, одамлар ҳаётида ҳам ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Наманган вилоятининг Чуст туманида амалга оширилаётган чиқиндиларни қайта ишлаш ва улардан электр энергияси ишлаб чиқариш лойиҳаси ана шундай йирик ташаббуслардан биридир.

Отабек ҚОБИЛОВ,
Чуст туманидаги Сероб маҳалласи Ёшлар етакчиси.



Хусусан, “Зарафшон” МФЙ ҳудудида “Everbright Environmental Energy Namangan” МЧЖ ХК томонидан хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳанинг умумий қиймати қарийб 150 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Лойиҳа тўлиқ қувват билан ишга тушгач, маиший чиқиндиларни қайта ишлаб, улардан электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Дастлабки маълумотларга кўра, корхона бир кунда 1 500 тоннагача чиқиндини қайта ишлаш қувватига эга бўлади. Ишлаб чиқарилган электр энергияси умумий электр тармоғига узатилиши кўзда тутилган. Бу эса ҳудуднинг энергетика салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Айни пайтда Чуст туманида саноат ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳам изчил ишлар олиб борилмоқда. Туманда 3 289 та тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтган бўлиб, уларнинг 589 таси саноат йўналишида фаолият юритади. Хорижий сармоя иштирокидаги лойиҳалар эса ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш ва янги иш ўринларини яратишда муҳим омил бўлмоқда. Чиқиндиларни қайта ишлаш мажмуасининг аҳамияти фақат иқтисодий самарадорлик билан чекланмайди. Энг муҳими, лойиҳа экологик хавфсизликни мустаҳкамлаш, чиқиндилар ҳажмини камайтириш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишга хизмат қилади. Замонавий технологиялар асосида чиқиндиларни қайта ишлаш ва зарарли моддаларни фильтрлаш орқали атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш кўзда тутилган. Шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган иссиқлик энергиясидан иссиқхоналарни иситишда фойдаланиш имкониятлари ҳам режалаштирилмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мажмуа тўлиқ ишга туширилгач, ҳудудда чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва муқобил энергия ишлаб чиқариш борасида янги имкониятлар пайдо бўлади. Корхонанинг лойиҳавий электр энергияси ишлаб чиқариш қуввати соатига 35 мегаваттни, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми эса қарийб 310 гигаватт-соатни ташкил этиши кутилмоқда.

Лойиҳанинг яна бир муҳим жиҳати – аҳоли бандлигини таъминлашдир. Қурилиш жараёнига хитойлик мутахассислар жалб этилган. Мажмуа фойдаланишга топширилгач, 180 нафардан ортиқ маҳаллий фуқаронинг доимий иш билан таъминланиши режалаштирилган. Бу эса оилалар даромадини ошириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ҳамда ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади. Қурилишда иштирок этаётган маҳаллий фуқаролар ҳам лойиҳанинг келажагига катта умид билан қарамоқда. Улар корхона ишга туширилгач, шу ерда меҳнат фаолиятини давом эттириш ниятида.

Маълумот учун, мазкур лойиҳа ишга туширилиши натижасида йилига 547,5 минг тонна маиший чиқинди қайта ишланади ҳамда 310 миллион кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Ушбу ҳажмнинг 254 миллион кВт. соати электр тармоқларига узатилиб, қарийб 300 минг нафар аҳолининг йиллик электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қоплаш имкони яратилади.

Хулоса қилиб айтганда, чиқиндидан электр энергияси ишлаб чиқариш – экологик муаммоларни камайтириш ва энергия таъминотини яхшилашга хизмат қилувчи истиқболли йўналишдир. Чуст туманида ҳам ушбу соҳада замонавий лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини ўрганиш, чиқиндиларни қайта ишлаш тизимини ривожлантириш ва аҳолининг экологик масъулиятини ошириш муҳим вазифалардан биридир. Зеро, чиқинди тўғри бошқарилганда, у нафақат муаммо, балки фойдали ресурсга ҳам айланиши мумкин.



Хавфсиз жамият сари

Мамлакатимиз тараққиётининг энг муҳим асосларидан бири бу – тинчлик ва барқарорликдир. Чунки хавфсизлик таъминланмаган жамиятда иқтисодий ўсиш ҳам, ижтимоий фаровонлик ҳам, инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ислоҳотлар ҳам етарли даражада натижа бермайди. Шу боис, жиноятчиликнинг олдини олиш масаласи фақатгина ҳуқуқ-тартибот идораларининг вазифаси эмас, балки давлат бошқаруви, маҳалла, таълим, оила, фуқаролик жамияти ва илм-фан ҳамкорлигини талаб қиладиган мураккаб жараёндир.

Бекмамат ЯРОВ,
филология фанлари номзоди.
Солижон ЭРНАЗАРОВ,
иқтисод фанлари номзоди.

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш фаолиятини илмий тадқиқ қилишга ихтисослаштирилган Марказий Осиёдаги ягона муассаса ҳисобланиб, 2024 йилнинг 1 августидан фаолият бошлаган.

Ҳозирда институт шахсий таркибининг 35,8 фоизи илмий даража ва унвонларга эга бўлган фан доктори (DcS) ва фалсафа доктори (PhD) лари, 64,2 фоизи эса мустақил изланувчилардир. Бундан ташқари, ушбу муассасада Жиноятчилик тенденциялари, Маҳалла жиноятчилиги ва Жиноятчилик омилларини тадқиқ қилиш борасида 3 та марказ ҳамда Корея ва Германия криминологиясини тадқиқ қилиш бўйича 2 та офис фаолият юритмоқда. Шу билан бирга, қисқа вақт ичида етакчи илмий ва олий таълим муассасалари, тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг 30 дан ортиқ раҳбар ҳамда эксперт ходимларидан иборат “Ўзбекистон Республикаси Криминология кенгаши” ва дунёдаги жиноятчилик тенденциялари ва глобал хавф-хатарларни илмий тадқиқ этиш бўйича 16 нафар хорижий ва миллий мутахассислардан ташкил топган “Халқаро экспертлар кенгаши” фаолияти йўлга қўйилди.

– Институт ташкил этилганидан буён 8 та ҳудудлардаги криминоген вазият, 11 та жиноят тури ҳамда 2 та Ички ишлар вазирлиги таркибий тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ, жами 21 та тадқиқот лойиҳаси якунига етказилди, – деди муассаса бошлиғи, полковник Бахтиёр Бердиалиев. – Бунинг натижасида 200 дан ортиқ илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Мазкур ташкилот ўз фаолиятини бошлаганига қисқа давр бўлишига қарамасдан, илм-фан тараққиёти босқичида юксак натижаларга эришиб келмоқда. Масалан, институт ташкил топганидан буён, 20 та тадқиқот ҳисоботи, 30 та услубий қўлланма, 11 та монография, 7 та таҳлилнома, 8 та конференция тўплами, 7 та давлат ҳисоботи ва 1 та дарслик муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Шунингдек, ҳар чоракда жиноятларнинг омилларига илмий диагноз қўйиш, жиноятчилик тенденцияларини таҳлил ва прогноз қилиш натижалари асосида “Жиноятчилик тенденциялари ва омиллари давлат ҳисоботлари” тайёрланиб, Ҳукумат ва ҳуқуқ-тартибот органларига юборилиб келинмоқда. Мазкур давлат ҳисоботларида 44 та таклиф, 15 та тасниф, 30 та таъриф ва 10 та илмий прогноз ишлаб чиқилиб, жойларга юборилди ҳамда амалиётга жорий этилди.

Энг қувонарлиси, мазкур институт “Юксалиш” ҳаракати томонидан юртимизда фаолият олиб бораётган ТОП-20 ақл марказлари рўйхатига киритилди. Шунингдек, институтнинг Таҳририй-ноширлик маркази томонидан 40 мингдан ортиқ илмий ишланмалар нашр этилиб, буюртмачиларга етказиб берилди.

Маҳалладаги осойишталик

Содир этилган жиноятларни комплекс ўрганиш мақсадида “Маҳалладаги жиноятчиликни илмий тадқиқ қилиш маркази” фаолияти йўлга қўйилди. Ҳудудий ички ишлар органлари ва “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорлик ўрнатилиб, ҳудудларда жиноятчилик келиб чиқишининг сабаб ва омиллари илмий диагноз қилинди ҳамда ҳар бир маҳалла учун алоҳида “йўл хариталари” ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, умумтаълим мактабларининг 9–11-синф ўқувчилари ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш мақсадида “Жиноятсиз ҳаёт – маърифатли авлод қўлида” номли янги методика ишлаб чиқилди. Шунингдек, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни шакллантиришда ҳам илмий ёндашувга устувор аҳамият берилмоқда. Институтга бириктирилган 63 та маҳаллада “илмий хулоса – тавсия – натижа” тамойили асосида ўрганишлар олиб борилди. Шундан сўнг, мазкур ҳудудларнинг 41,2 фоизида, яъни 26 тасида жиноят содир этилишига умуман йўл қўйилмади. Ушбу ҳудудлардаги профилактика ишларини илмий-услубий жиҳатдан таъминлаш мақсадида “маҳалла етилиги” аъзоларига 31 турдаги 9 968 та ўқув-услубий қўлланма ҳамда фуқароларни огоҳликка чақиришга қаратилган 10 мингдан ортиқ флаер ва буклетлар ишлаб чиқилиб, тарқатилди.

Халқаро ҳамкорлик

Институт фаолиятида халқаро ҳамкорлик алоҳида ўрин тутади. Шу сабабли, дунёнинг етакчи криминология марказлари, илмий-тадқиқот институтлари ва халқаро ташкилотлари билан бевосита алоқалар ўрнатилиб, жиноятчиликка қарши курашишда илғор тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга жорий этиш бўйича қатор ташаббуслар илгари сурилмоқда. Ўтган давр мобайнида бир қатор муваффақиятларга ҳам эришилди. Масалан, миллий ва халқаро илмий ташкилотларнинг вакиллари иштирокида икки марта 2024 йил 28-31 октябрь кунлари Тошкентда, 2025 йилнинг 17-18 ноябрида эса Самарқанд шаҳрида “Жаҳон криминологиясининг илғор тажрибалари” мавзусидаги халқаро форумга мезбонлик қилди.

Шунингдек, Корея Криминология ва адлия институти, Хитой Халқ Республикаси Хефей илмий-тадқиқот институти, Венгрия Миллий криминология институти, Ҳиндистон Республикаси ИИВ Миллий криминология ва суд экспертизаси институти, Россия Федерацияси Жиноят ҳуқуқи ва криминология таҳлил маркази ҳамда Беларусь Республикаси ИИВ Академияси билан ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланиб, бевосита алоқалар йўлга қўйилди.

Галата минораси – асрлар оша бўй чўзган тарих



Истанбулни тасаввур қилганда, кўз олдимизда Босфор бўғози, тарихий масжидлар, тор кўчалар ва шаҳар узра қад ростлаган Галата минораси гавдаланади. У шунчаки қадимий иншоот эмас, балки турли цивилизациялар, сиёсий ҳукмронликлар ва маданий қарашлар кесишган тарихий макондир. Асрлар давомида зилзилалар, ёнғинлар ва қайта қуришларни бошдан кечирган бу минора бугун ҳам Истанбулнинг энг таниқли меъморий рамзларидан бири бўлиб қолмоқда. Унинг қиймати баландлиги ёки ташқи кўриниши билангина белгиланмайди. Галата минорасида тарихнинг излари, меъморчиликнинг ўзгарувчан табиати ва инсоннинг ўтмишни асраб қолишга бўлган интилиши мужассам.

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
“Özbekiston bunyodkori” мухбири.

Миноранинг тарихи ҳақида сўз борганда, аввало, бир муҳим жиҳатни аниқлаш лозим: унинг ҳозирги қиёфаси билан боғлиқ қурилиш санаси ва шу ҳудуддаги дастлабки иншоотлар тарихи бир-биридан фарқ қилади. Айрим тарихий маълумотларда милодий VI асрда, Византия императори Юстиниан даврида ҳозирги минора жойлашган ҳудудда кузатув ёки маёқ вазифасини бажарувчи иншоот бўлгани қайд этилади. Бироқ бугун биз биладиган Галата минорасининг асосий қурилиш тарихи XIV асрга, аниқроғи, 1348 йилга бориб тақалади. Уни Генуяликлар Галата ҳудудидаги мудофаа деворлари тизимининг бир қисми сифатида барпо этган. Минора ўша даврда “Криста Туррис”, яъни “Исо минораси” номи билан ҳам танилган. Бу ном унинг нафақат ҳарбий-стратегик, балки ўша даврдаги диний-маданий муҳит билан ҳам боғлиқлигини кўрсатади.

Галата ҳудуди ўрта асрларда савдо-сотиқ ва денгиз қатнови учун муҳим нуқталардан бири бўлган. Босфор бўғози орқали Қора денгиз ва Ўрта ер денгизи ўртасидаги савдо йўллари туташгани Истанбулнинг геосиёсий аҳамиятини янада оширган. Шу нуқтаи назардан, Галата минорасининг қурилиши фақат меъморий эҳтиёж эмас, балки шаҳар хавфсизлиги ва ҳудуд устидан назоратни таъминлашга қаратилган стратегик қарор ҳам эди. Баланд нуқтада жойлашган минора атрофни кузатиш, яқинлашиб келаётган хавфни аниқлаш ва шаҳар мудофаасини ташкил этиш имконини берган. Демак, унинг дастлабки вазифаси эстетик завқ уйғотишдан кўра амалий зарурат билан кўпроқ боғлиқ бўлган.

1453 йилда Константинопол Усмонийлар давлати томонидан эгалланган, Галата ҳудуди ҳам янги сиёсий воқелик доирасига кирди. Бу ўзгариш миноранинг тарихида ҳам янги босқични бошлаб берди. Кейинги асрларда у турли вазифаларни бажарди: айрим даврларда зиндон, омбор, кузатув нуқтаси ва ёнғиндан огоҳлантириш тизимининг муҳим қисми сифатида фойдаланилди. Бу ҳолат тарихий иншоотларнинг ҳаёти бир давр билан чекланмаслигини кўрсатади. Жамият эҳтиёжлари ўзгарган сари уларнинг вазифаси ҳам ўзгаради, аммо тарихий хотирани сақлашдаги ўрни йўқолмайди.

Минора тарихидаги энг жиддий синовлардан бири 1509 йилги кучли зилзила билан боғлиқ. Ушбу табиий офат натижасида иншоот катта зарар кўрган ва кейинчалик таъмирланган. XVIII–XIX асрларда эса ёнғинлар унинг ташқи кўринишига жиддий таъсир кўрсатди. Хусусан, 1794 йилги ёнғиндан сўнг миноранинг юқори қисми қайта қурилди. 1831 йилдаги ёнғиндан кейин эса Усмонийлар султони Маҳмуд II даврида яна бир йирик таъмирлаш ва қайта қуриш ишлари амалга оширилди. 1875 йилда кучли бўрон натижасида том қисми шикастлангач, миноранинг юқори тузилиши яна ўзгарди. Шу тариқа, бугунги қиёфа бир вақтнинг ўзида бир неча тарихий даврнинг меъморий ечимларини ўзида акс эттиради.

Галата минорасининг меъморий қийматини тушуниш учун унинг ташқи тузилишига эътибор қаратиш кифоя. Қалин тош деворлар, цилиндрсимон асосий тана, юқорига кўтарилган конуссимон том ва уни ўраб турган кузатув айвони иншоотга ўзига хос маҳобат бағишлайди. Унинг пастки қисмидаги мустаҳкам тош терим мудофаа меъморчилигига хос хусусиятларни намоён этса, юқори қисмдаги очиқликлар, аркали деразалар ва томнинг шакли бинонинг ташқи композициясини бойитади. Миноранинг тикка кўтарилган силуэти уни шаҳар манзарасида осон таниладиган меъморий белгига айлантиради.

Минорани биргина меъморий услуб доирасида баҳолаш тўғри бўлмайди. Унинг асосий танаси XIV аср Генуя мудофаа меъморчилигининг хусусиятларини сақлаган бўлса, юқори қисмлари кейинги даврлардаги таъмирлаш ва қайта қуришлар натижасида ўзгарган. Усмонийлар давридаги қўшимчалар, айниқса, ёнғинлардан кейинги тиклаш ишлари иншоотнинг умумий кўринишига таъсир кўрсатган. XIX асрдаги қайта қурилишларда ампир услубининг айрим хусусиятлари ҳам акс этган. Шу боис Галата минорасини турли даврлар меъморчилиги ўзаро уйғунлашган тарихий ёдгорлик сифатида баҳолаш мумкин. Бу ерда ҳар бир тош фақат қурилиш ашёси эмас, балки ўзгариб борган тарихий шароитнинг ҳам гувоҳидир.

Миноранинг дизайнида безакдорликдан кўра мустаҳкамлик, мутаносиблик ва кўзга ташланувчанлик устувор. Қалин деворлар унинг мудофаа вазифаси билан боғлиқ бўлса, цилиндрсимон тана ва конуссимон том ўртасидаги визуал мувозанат иншоотга яхлитлик бағишлайди. Юқори қисмидаги айвон эса фақат архитектура элементи эмас, балки миноранинг тарихий кузатув вазифасини бугунги сайёҳлик тажрибаси билан боғлаб турувчи муҳим қисмдир. Қадимда атрофни назорат қилиш учун хизмат қилган баландлик бугун шаҳарни томоша қилиш, унинг тарихий тузилишини англаш ва Истанбул манзарасини бошқача нигоҳ билан кўриш имконини беради.

Маълумот учун: Галата минораси ҳақидаги ҳикояни Ҳезарфен Аҳмад Чалабий номи билан боғлиқ машҳур ривоятсиз тасаввур этиш қийин. XVII асрга оид манбалар ва кейинги адабий тасвирларда у миноradан сунъий қанотлар ёрдамида учиб, Босфор орқали Ускудар томонга йўл олган шахс сифатида тилга олинади. Бу воқеанинг тафсилотлари тарихий жиҳатдан баҳсли бўлса-да, ривоят миноранинг жамоавий тасаввуридаги ўрнини янада мустаҳкамлаган. У энди фақат мудофаа иншооти эмас, балки инсон орзуси, жасорати ва имкониятлар чегарасини синаш рамзига ҳам айланган.

Миноранинг яна бир муҳим жиҳати – унинг шаҳар муҳити билан муносабатидир. Истанбулда замонавий бинолар, транспорт йўллари ва янги шаҳарсозлик ечимлари кўпайиб бораётган бир шароитда Галата минораси тарихий манзаранинг узвий қисми сифатида ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Унинг атрофидаги тор кўчалар, қадимий бинолар ва савдо нуқталари шаҳарнинг тарихий қатламларини бир-бири билан боғлайди. Шу маънода, минорани алоҳида турган иншоот сифатида эмас, балки бутун бир маданий маконнинг марказий белгиларидан бири сифатида кўриш зарур.

1960 йилларда минорада кенг кўламли таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, у сайёҳлар ташриф буюрадиган иншоот сифатида қайта ташкил этилди. 2020 йилда эса навбатдаги реставрация ишларидан кейин минора музей мақомида фаолият юрита бошлади. Бу ўзгариш тарихий ёдгорликни асрашга доир ёндашувнинг ҳам ўзгараётганини кўрсатади. Энди мақсад фақат бинодан фойдаланиш эмас, балки унинг тарихий қийматини намойиш этиш, маданий меросни кенг жамоатчиликка етказиш ва келажак авлодларга сақлаб қолишдан иборат.

Бугун Галата минораси Истанбулнинг энг машҳур сайёҳлик манзилларидан бири бўлиши билан бирга, маданий меросни муҳофаза қилиш борасидаги муҳим саволларни ҳам кун тартибига қўяди. Тарихий биноларни замонавий эҳтиёжларга мослаштириш жараёнида уларнинг асл хусусиятларини қай даражада сақлаш мумкин? Реставрацияда янги технологиялардан фойдаланиш тарихий қиёфага қандай таъсир кўрсатади? Сайёҳликдан иқтисодий фойда олиш билан маданий қадриятларни асраш ўртасидаги мувозанат қандай таъминланади? Бу саволлар фақат Истанбул учун эмас, балки қадимий шаҳарлари ва меъморий ёдгорликлари мавжуд бўлган барча мамлакатлар учун долзарбдир.

Хулоса қилиб айтганда, Галата миноранинг ҳақиқий буюклиги унинг баландлиги ёки ташқи кўриниши билангина ўлчанмайди. Унинг қиймати турли даврлар, халқлар ва маданий қарашларни бир нуқтада бирлаштира олганидадир. Генуяликлар даврида мудофаа иншооти сифатида барпо этилган минора Усмонийлар даврида янги вазифаларни бажарди, кейинчалик шаҳарнинг тарихий рамзига айланди ва бугун музей ҳамда сайёҳлик маскани сифатида фаолият юритмоқда. Унинг асрлар давомида сақланиб келаётган қиёфаси бизга муҳим бир ҳақиқатни эслатади: меъморий ёдгорликларни асраш – фақат ўтмишни муҳофаза қилиш эмас, балки миллатлар ва цивилизациялар хотирасини келажакка етказишдир.

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган электрон-онлайн очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. Фарғона вилояти, Марғилон туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 12 декабрдаги 4-1504-2502/14499-сонли ҳал қилув қарори ва “Safo farm servis” МЧЖ Суд тугатиш бошқарувчисининг 2026 йил 13 октябрдаги 2377-сонли алоқа хатига асосан Фарғона вилояти Тошлоқ тумани, “Варзак” ҚФЙ, “Кўприкбоши” МФЙ ҳудудида жойлашган “Safo farm servis” МЧЖга тегишли **умумий майдони** – 160,00 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 388,17 квадрат метр, **кадастр рақами:** 15:01:02:09:01:0001 бўлган тикувчилик пазандачилик ёшлар ўқув маркази бино ва иншоотлари. **Бошланғич баҳоси** – 827 085 688,00 сўм.

2. Фарғона туманлараро иқтисодий судининг 2026 йил 27 мартдаги 4-1504-2501/6809-сонли ҳал қилув қарори ва “Қатортол Қуён Ҳамкорлиги” ф/х Суд тугатиш бошқарувчисининг 2026 йил 28 октябрдаги 50-сонли алоқа хатига асосан, Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани, “Қатортол” ММТП ҳудудида жойлашган “Қатортол Қуён Ҳамкорлиги” ф/х га тегишли пахта ва ғалла етиштириш асосида ижарага фойдаланиш учун берилган 10,41 Га ер майдонини фермер хўжалиги сифатида ердан фойдаланиш ҳуқуқи. **Бошланғич баҳоси** – 193 581 386,00 сўм.

3. Фарғона туманлараро иқтисодий судининг 2026 йил 6 апрелдаги 4-1504-2507/6807-сонли ҳал қилув қарори ва “Озодбек” ф/х Суд тугатиш бошқарувчисининг 2026 йил 28 октябрдаги 51-сонли алоқа хатига асосан, Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани, “Қатортол” ММТП ҳудудида жойлашган пахта ва ғалла етиштириш асосида ижарага фойдаланиш учун берилган 99,65 Га ер майдонини фермер хўжалиги сифатида ердан фойдаланиш ҳуқуқи. **Бошланғич баҳоси** – 18 530 629 290,00 сўм.

4. Фарғона туманлараро иқтисодий судининг 2026 йил 6 апрелдаги 4-1504-2507/6797-сонли ҳал қилув қарори ва “Одилжон Ғофурович Сатторов” ф/х Суд тугатиш бошқарувчисининг 2026 йил 28 октябрдаги 52-сонли алоқа хатига асосан, Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани, “Гулистон” ММТП ҳудудида жойлашган пахта ва ғалла етиштириш асосида ижарага фойдаланиш учун берилган 80,22 Га ер майдонини фермер хўжалиги сифатида ердан фойдаланиш ҳуқуқи. **Бошланғич баҳоси** – 1–491 748 200,00 сўм.

5. Фарғона туманлараро иқтисодий судининг 2026 йил 6 апрелдаги 4-1504-2507/6814-сонли ҳал қилув қарорлари ва “Саид Султонхон Файз” ф/х Суд тугатиш бошқарувчисининг 2026 йил 28 октябрдаги 53-сонли алоқа хатига асосан, Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани, “Фарғона” ММТП ҳудудида жойлашган пахта ва ғалла етиштириш асосида ижарага фойдаланиш учун берилган 34,102 Га ер майдонини фермер хўжалиги сифатида ердан фойдаланиш ҳуқуқи. **Бошланғич баҳоси** – 694 511 589,00 сўм.

6. Фарғона туманлараро иқтисодий судининг 2026 йил 6 апрелдаги 4-1504-2501/6817-сонли ҳал қилув қарорлари ва “Абдуллох Файз Келажаги 2022” ф/х Суд тугатиш бошқарувчисининг 2026 йил 28 октябрдаги 54-сонли алоқа хатига асосан, Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани, “Хонобод” ММТП ҳудудида жойлашган пахта ва ғалла етиштириш асосида ижарага фойдаланиш учун берилган 25,098 Га ер майдонини фермер хўжалиги сифатида ердан фойдаланиш ҳуқуқи. **Бошланғич баҳоси** – 466 715 237,00 сўм.

Аукцион савдо 2026 йил 30 ноябрь куни online-mulk.uz платформасида бўлиб ўтади. Аризаларни рўйхатдан ўтказиш муддати: 2026 йил 27 ноябрь куни соат 18.00 гача.

Юқоридаги кўчмас мулк 2026 йил 30 ноябрь куни сотилмаган тақдирда, кредиторларнинг йиғилиш қарорига асосан 15 кунлик қисқартирилган кун билан такрорий савдоларга қўйиб борилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги савдо кунидан бир кун олдин соат 18.00 гача.

Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдода рўйхатдан ўтиб тўлаши лозим: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил: Фарғона вилояти Фарғона шаҳар, Г. Фармонов кўчаси, 13-уй.

Телефон: 90-407-07-62.

Бизни кузатиб боринг!

uzbunyodkor.uz
info@uzbunyodkor.uz
uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkor
qurilish.today

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 30 – 31 октябрь, 1 – 5 ноябрь саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Ҳукумат топшириқлари ижросини таъминлаш бўлими бош мутахассиси **Анвар Усмонов,** Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш ҳамда реновация лойиҳаларини умумлаштириш департаменти бош мутахассиси **Дилмурод Ҳабибуллоев,** Халқаро ҳамкорлик ва Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш ҳамда ДХШ ва инвестиция лойиҳаларини шакллантириш бошқармаси етакчи мутахассиси **Фаррух Умиров,** Давлат архитектура назорати департаменти бош мутахассиси **Шуҳрат Холмуродов,** Бухгалтерия бўлими бош мутахассиси **Алишер Хайтметов,**

“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Молия-иқтисод бўлими бош мутахассиси **Дилфуза Тожиева,** фаррош **Маҳбуба Умарова,** ҳайдовчи **Шуҳрат Собиров,**

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий тадқиқот институти бош мутахассиси **Фитрат Абдиҳалилов,** Мувофиқликни баҳолаш бошқармаси орган раҳбари **Сардор Қиличов,** Энергоаудит ва энергосамарадорлик экспертизаси бўлими бошлиғи **Азамат Алиев,** Шаҳарсозлик соҳасида рақамли технологияларни ривожлантириш бўлими бошлиғи **Азизхон Каримбоев,** мутахассис **Асилбек Мазитмуратов,** бўлим бошлиғи **Арслон Жовлиев,**

“Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish Respublika markazi” бош мутахассиси **Элёрбек Худайберганов,** етакчи мутахассислар **Азизхон Каримбоев, Муроджон Хайруллаев,** бош мутахассис **Хидоятхўжа Аҳмедов,**

“Qishloqqurilishloyiha” ДМ бош архитектори **Қобил Хашимов,**

“Коммунал лойиҳа илмий тадқиқот институти” Давлат муассасаси етакчи муҳандиси **Ҳасан Бараев,** электрик **Акмал Юлдошев,** Шимолий филиали лойиҳа бош архитектори **Азизбек Тилеуов,** Марказий филиали бош муҳандиси **Азиз Ўктамов,** Ғарбий филиали директори **Фаррух Латипов,**

“Ўзоғирсаноатлойиҳа” АЖ АСС-2 катта муҳандиси **Жасур Юлдошев,** ССИКС сектор раҳбари **Денис Пузыренко,** ЭТА етакчи муҳандиси **Шаҳзод Маҳамадвалиев,**

“O’zshaharsozlik LITI” ДМ Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси бошлиғи **Шуҳратхўжа Хашимов,** 1-устахонаси 2-тоифали архитектори **Саидяҳёхон Жаъфаров,** 4-устахонаси архитектори **Мафтуна Ўрозалиева,** Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 5-устахонаси архитектори **Нигина Раҳимова,** 8-устахонаси муҳандиси **Мақсудбек Рўзметов,** Техник бўлим бошлиғи ўринбосари **Хондамир Шораҳимов,** Хўжалик ва дастурий-техник таъминот бошқармаси муқовачиси **Шоҳида Ходжаева,** Тизим таҳлил, назорат ва хатлар бўлими бош мутахассиси **Барно Умарова,** Андижон филиали муҳандиси **Диёрбек Маматисақов,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини ривожлантириш ва реновация лойиҳаларини амалга ошириш бўлими етакчи мутахассиси **Исламбек Сейтниязов,**

Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ичимлик суви, оқова ва иссиқлик таъминоти тизимларини ривожлантириш шўъбаси бош мутахассиси **Озодбек Султонов,**

Қашқадарё вилояти Нишон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Чори Тўраев,**

“Иссиқликтаъминоти” АЖ Бошқарув Раиси биринчи ўринбосари **Шерзодбек Султонов,** оператор **Бобур Тешабоев,** Самарқанд вилояти филиали назоратчи-инспектори **Дилдора Нормуродова,** Сувни кимёвий тозалаш аппарати ходими **Шаҳло Нурбоева,** Қашқадарё вилояти филиали иқтисодчи-таҳлилчиси **Толмас Бекназаров,** назоратчи **Жумагул Йўлдошева,** Навоий вилояти филиали ёрдамчи ишчиси **Элёр Байитов,** қозонхона оператори **Содиқ Кенжаев,** ҳайдовчи **Тўхтапўлат Қаҳҳоров,** иссиқлик тармоқлари жиҳозларини таъмирлаш бўйича чилангар **Отамурод Очилов,** Фарғона вилояти Қўқон шаҳар филиали ИЧТБ бошлиғи **Ферузбек Нарзилов,** Тошкент вилояти филиали авария хизмати ва таъмирлаш механика бўлими диспетчери **Рустам Юсупов,** Зангиота тумани филиали электриги **Рустам Абдуллаев,** Янгийўл шаҳар филиали қозонхона устаси **Жасур Аҳмедов,** Янгиҳаёт қозонхонаси қоровули **Дилшод Раҳматуллаев,**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ҳайдовчиси **Жасур Ҳамроев,** Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Баҳодир Асанов,** Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи мутахассиси **Шаҳрўз Исмоилов,** Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Камолиддин Носиров,**

Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги “Shimbay uy-jay onlaw” БСК МЧЖ бош директори **Дарябай Бахиев,** Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги “Хислат омад” БСК МЧЖ бош директори **Раҳмат Раҳимов,** Бекобод шаҳридаги “Invest-Ta’mir-077” БСК МЧЖ бош директори **Марғуба Ашурова,** Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги “Макс қур-лидер” БСК МЧЖ бош директори **Самуғ Ғаффоров,** Яккасарой туманидаги “My Helper” БСК МЧЖ бош директори **Жаҳонгир Жулиев,** Учтепа туманидаги “Yosh Avlod Build Servise” БСК МЧЖ бош директори **Хадича Аҳмедова**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

Özbekiston bunyodkori
ijtimoiy-iqtisodiy gazeta
Строитель Узбекистана

Таҳрир ҳайъати:
Шерзод Ҳидоятов (Таҳрир ҳайъати раиси), Давронжон Адилов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов, Козим Туляганов, Юлдаш Магрупов, Бобир Элмуродов, Илҳом Аҳмедов.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

“Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “ЎзГАШКЛИТИ” МЧЖ, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-241-01-29, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 90-612-78-80.
Жиззах вилояти: 91-568-77-48.
Қашқадарё вилояти: 94-642-50-53.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-850-80-22.
Фарғона вилояти: 99-363-39-37.
Хоразм вилояти: 99-967-48-30.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г- 1041.
1211 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41.

ЎзА якуни – Топширилди – 21.50.

Газетанинг навбатдаги сони 6 ноябрь куни чиқади.